

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 213-ҳадис

213/321 – وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ امْرَأَةً قَالَتْ: أَبَغْزِي إِحْدَانَا صَلَاتَهَا إِذَا طَهَرْتْ؟ فَقَالَتْ:

أَخْرُورِيَّةً أَنْتِ؟ كُنَّا نَحِيضُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَا يَأْمُرُنَا بِهِ، أَوْ قَالَتْ: فَلَا تَفْعَلُ.

213.321 Муъоза шундай сўзлаб берди:

«Бир аёл Оиша розияллоҳу анҳога: «Бирортамиз пок бўлганида намозини ўтайдими?» деди. Шунда у: «Сен ҳаруриямисан? Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам борликларида ҳайз кўрар эдик, бизга уни (намознинг қазосини ўқиши) буюрмас эдилар [ёки бундай қилмас эдик]», деди».

**Изоҳ:** Ҳарурия - хаворижларнинг номларидан бири. Хаворижлар Куфа яқинидаги Ҳаруро деган жойда тўпланиб, ҳазрати Алий розияллоҳу анхуга қарши тил бириктирганлари сабабли улар шундай номланиб қолган.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

